

Қийинчиликда ўқиладиган дуо



20:03 / 22.09.2017 10696

Одатда одамлар муаммоларга дуч келганида, у-бу нарсага эҳтиёж сезиб ҳожатманд бўлиб қолганларида биринчи ўринда бошқаларга мурожаат қилишади. Гўёки, ўша бошқалар албатта муаммоларнинг ечимини топиб берадилар. Вазият оғирлашганда эса, Аллоҳ таолога юзланишади. Тақводор инсоннинг сифатларидан бири шуки, унинг ҳожатлари қандай бўлишидан қатъи назар, ёлғиз Аллоҳга таваккул қилиб охирги чора сифатида Роббисидан ёрдам ва ҳидоят сўрайди. Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Қайси бир одам бошқаларга иши тушмаслигига кафил бўлса, мен унга Жаннат дохил бўлиши кафолатини бераман», - дедилар (Абу Довуд).

Бошқа бир ҳадиси муборакда эса: **«Мўминнинг фазли таҳажуддир, улуғлиги эса бошқалардан беҳожатлигидадир»** (Дарроб).

Ким Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг фазлу карами ва раҳматини умид қилиб иймон, ишонч ва ихлос билан Аллоҳга таваккул қилса, Роббиси унга кутилмаган жойлардан баракот ато этади, хоҳ у одамлардан бўлсин, хоҳ тақозо этилган шароитлардан. Бундай ҳолатларда Аллоҳни зикр қилмоқнинг энг яхшиси: **«Менга Аллоҳнинг ўзи етарли. Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ, Унга таваккал қилдим, У улуғ аршнинг Роббисидир»** («Тавба» сураси, 129-оят). Суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу дуони ҳар тонг ва кечада етти марта ўқиганлар. Аллоҳ таолога таваккал қилинглари, Ундан умид қилинглари ва фақат Ундангина ёрдам сўранглари. Бунинг мукофоти эса Жаннатдир.